

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР АФЗАЛЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

Ҳакимжонов Б., 1-Гулистон Педагогика коллежи ўқитувчиси
Мусурмонқулов О., ЎЗМУ магистри

Ўзбек халқининг тарихига 1991 йил 31 август мустақиллик эълон қилинган кун бўлиб кирди. Республикада ҳуқуқий демократик давлат асослари қурилмоқда, бу эса ўз навбатида олдинги тоталитар системани бутунлай қўпориб ташлашни тақозо этди. Умуминсоний қадриятларнинг афзаллигини ўрнатиш вазифаси қўйилди. Тўлиқ демократиянинг халқаро ҳамжамият тан олган меъёрларини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таминлаш муҳим омилга айланди.

Республикада сўзда эмас ишда, амалда давлат ҳокимиятини бўлиниш принципи асосланишига эришилди: яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти. Давлат ҳокимиятини манбаи сифатида халқ тўғридан тўғри ва ўз намоёндалари орқали давлатни бошқаришда иштирок этишлари амалга оширилди. Давлат бошқарувида янгича замонавий эгилувчан системани яратиш борасида ишлар бошлаб юборилди. Жойларда бошқарув системалари қайта қурилди, вилоят, туман, шаҳарларда ҳокимлик институти жорий қилинди. Суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда, чунки қонун устуворлиги унинг олида барча мамлакат фуқароларини тенглигини таминлашдан иборатдир. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди. Янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан, диний этиқоди, руҳияти ва ҳуққ атвор нормалари шуни тақозо этади». Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий шароитларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу асосий қонун ҳар тамонлама ва чуқур йўналган умумхалқ муҳокамасидан кенг демократик йўл билан қабул қилинди.

Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик, тараққиёт мажмуини ифодаладиган демократик ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиш йўллари очиқ берди. Бу борада Ўзбекистон Президенти қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: яъни «биз барпо этаётган давлат энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига давлат қилиниши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим. Ватанимиз азалдан башарият тафаккур ҳазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мабойнида халқимизнинг юксак манавият адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва Ислоҳ дини таълимоти билан узвий равишда ривожланади ва ўз навбатида бу фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб боради. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим». Ўйлаймизки, биз бугун барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий маънавий асосларини белгилашда мана шундай ғояларга суянсак хато қилмаган бўламиз.

Биз демократияга асосланган давлат қилишга интилмоқдамиз ва ўз навбатида у халқимизнинг ахлоқий илдизларига гармоник мос ҳолда ривожланмоғи даркор. Демократик одил фуқаролик жамиятни қилиш – бизнинг мақсадимиз ва асосий вазифамиздир. Ана шундай давлат ва жамиятни қилиш ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтириш бизнинг бош концепсиямиз, миллий равнақимиз асосидир. Ушбу асосий принциплар бизнинг Конституциямизда мустаҳкамлангандир. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг Конституция асосларини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик ҳужжатгина бўлиб қолмасдан аниқ дастурли-мақсадли йўналишга ҳам эгадир. Бундай универсал принциплар Конституциянинг муқаддимасида ўз ифодасини топгандир. Унда демократик қадриятлар қуйидагича ифодаланади : яъни

«Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожланиш тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатни садоқатни намоён қилиб халқаро ҳуқуқни умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, Республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилди».

Халқ суверенитети – халқнинг давлат ҳокимиятидаги мустақиллигини ифода этади, чунки фақат халқ жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ҳаёт қонунларини аниқлайди, давлат ҳокимияти эса ўз навбатида халқ иродасини бажарувчидир.

Шундай қилиб, давлат суверенитети асосини – халқ суверенитети ташкил этади. Конституцияда мустаҳкамланган навбатдаги принциплардан бири бу қонун устиворлиги принциpidир. Бошқа сўз билан айтганда зарурий мос қонунлар ҳуқуқий бўлиши ва ушбу жараёни таъминлаши зарурдир. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлатни қуриш йўли – бу ривожланган парламент институтига эга бўлган мамлакатларнинг тажрибасидан эффектив фойдаланишдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий, демократик дунёвий давлатни ривожлантириш йўли машаққатли, қизгин меҳнатлардан иборат бўлди. Бу эса мустақил миллий давлатнинг фундаментини яратишни тақозо этади. Бизга маълумки, давлатимизнинг минг йиллик тарихи Россия империясига мажбурий қўшилиши оқибатида узилиб қолган эди. Фақатгина мустақилликка эришгандан кейингина суверен Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла қонли субъекти сифатида янги давлатчиликни қуришга ва ривожлантиришга киришди. Мустақилликка эришуви янги давлатчиликни ривожлантириш демократик принципларга асосланган ғоя ҳокимиятнинг бўлиниши ва ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини барпо қилишдан иборат эди. Ўзбекистон афзал ва асосий кадрият сифатида демократияни танлади. Чунки у шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиклол ва тарақиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. –Т.: Шарк, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўқитувчи, 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
5. Раҳмонкулов М.Р. Демократия ва ҳуқуқ. –Т.: Ўзбекистон, 1995.